

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШГА ОИД ИСЛОҲОТЛАР

*Маринова Севархон Арибжановна<sup>1</sup>*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида низоларни муқобил ҳал этишига оид ислоҳотлар, низоларни муқобил ҳал қилиш тартиб-таомилларининг зарурати, тушунчаси, низоларни муқобил ҳал этиш турлари, мазкур тартиб-таомилларнинг одатдаги суд тартибида низоларни ҳал этишига нисбатан авфзалликлари ва имкониятлари, бу борада хорижий ва миллий олимларнинг қарашлари ҳамда муаллифнинг муаллифлик ёндашуви ўрин олган.*

**Калит сўзлар:** *Низоларни муқобил ҳал этиш, медиация институти, ҳакамлик судлари, халқаро арбитраж, фуқаролик судлари, фуқаролик иши, музокаралар, низоларни ҳал қилишининг талабнома билдириш тартиби, воситачилик.*

Бугунги кунда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими изчил либераллашиб бормоқда.

Республикамызда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, судларда иш ҳажмини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон қарори қабул қилинди. Шунингдек 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини кўллаш доирасини янада кенгайтириш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг муқобил, шу жумладан суддан ташқари усулларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга оид мақсадлар белгиланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йил сайин фуқаролик судлари томонидан кўриб тамомланган ишлар сони ортиб бормоқда, жумладан, 2019 йилда 276 937 тани, 2020 йилда 291 132 тани ташкил этган бўлса, фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан 2021 йилнинг 9 ойи давомида биринчи инстанцияда кўрилган ишлар жами 362 611 тани ташкил этган.<sup>2</sup> Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни судга қадар ҳал этиш ёхуд низоларни ҳал қилишнинг муқобил шакллари кенгайтириш, фуқаролик процессига медиация тартиб-тамомилини янада кенгроқ тадбиқ этиш судларнинг фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишдаги иш юкламаларини бирмунча камайтириш зарурати ҳамда фуқаролик суд ишларини юритишда медиация тартиб-таомилини янада такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж мазкур соҳадаги ислоҳотларни янада кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

<sup>1</sup>Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири ю.ф.ф. д., доцент

<sup>2</sup> [https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib\\_2021\\_9.pdf](https://stat.sud.uz/file/2021/fib/fib_2021_9.pdf).



Бу борада Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, халқимизнинг эркин ва фаровон, кудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хошиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан ишлаб чиқилиб имзоланган «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги 158-сон Фармони ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон [қарорига](#) 4-илова сифатида қабул қилинган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича 2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасининг “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш” деб номланган 85-мақсадининг 21-бандида низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини ривожлантириш орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини соддалаштирилган тартибда ҳимоя қилишга оид вазифани амалга ошириш учун медиация қўлланиладиган соҳалар доирасини кенгайтириш, медиаторга доир талабларни қайта кўриб чиқиш, Ҳакамлик судлари фаолияти ҳамда ҳакамлик муҳокамасини халқаро стандартларга мослаштириш каби амалий чора-тадбирларнинг белгиланганлиги келгусида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари янада ривожлантириш мақсадида қўйилган навбатдаги муҳим қадам саналади.<sup>3</sup>

Жамият ривожланган сари фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари билан бир қаторда мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, низоларни ҳал қилиш усуллари ҳам такомиллашиб бораверади.

Шу маънода, ривожланган мамлакатлар тажрибасида узоқ йиллардан буён қўлланиб келинаётган низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари иқтисодий ва бошқа низоларни кам чиким ва қисқа вақт ичида ўзаро мurosага келиш йўли билан ҳал этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Қонунчиликнинг судларни низосиз ишларни ҳал қилишдан озод қилиш ҳамда унча мураккаб ва катта бўлмаган низолар бўйича одил судловнинг соддалаштирилган шаклларида фойдаланиш қисмини такомиллаштириш заруриятидан ташқари, ушбу вазиятдан чиқишда ниозоларни ҳал қилишнинг муқобил (альтернатив) усуллари кенг қўллаш ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Т.Э Ханукова ўзининг тадқиқот ишида “ҳозирги асрнинг ўтган асрдан асосий фарқи ХХ асрда юзага келган низолар асосан суд тартибида ҳал этилган бўлса, ХХI аср шундай аср бўлиб қоладики, унда барча низолар фақат муқобил йўллар ёрдамида ҳал этилади” деган хулосага келганлигини келтириб ўтиб, бу борада муаллиф ҳақ эканлигини, меҳнат низоларни муқобил ҳал этиш, суд тартибидга ҳал этишга нисбатан анчайин қулай, демократик ва инсонпарварлиги билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади”<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 07/23/300/0693-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6600390>.

<sup>4</sup> Ханукова Т.Э. Трудовые споры о праве: сравнительный анализ правовых норм Российской Федерации: Дисс... канд. юрид. наук. Москва, 2017 С-77.



Биринчи марта “низоларни муқобил ҳал қилиш” атамаси АҚШда мураккаб ва “баҳайбат” расмий одил судловга қарама-қарши равишда низоларни ҳал қилишнинг эгилувчан ва норасмий таомилларини англантиш учун ишлатилган.

Ҳукукий низолар ва тортишувларни ҳал қилишнинг муқобил шакллари деганда нодавлат суд тизими ва унинг ичида қўлланиладиган низолар (тортишувлар)ни ҳал қилишнинг таомиллари ва усуллари тушунилади.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларида фойдаланиш тарафлар учун салбий оқибатларни келтириб чиқармайди, балки аксинча, уларга ишончли алоқаларнинг сақланиб қолиши ва эришилган келишув натижасида ишбилармонлик алоқаларини давом эттиришга имкон беради.

Низоларни муқобил ҳал қилиш усулларида қўллаш қуйидаги ҳолатларда самарали ҳисобланади:

1) Тарафларнинг катта маблағ сарфланиб ўрнатилган ва ривожланган ишбилармонлик алоқалари бузилиш таҳдиди остида бўлса, низоларни муқобил ҳал қилиш бундай вазиятларда анча афзалроқ ҳисобланади, чунки у суд муҳокамасига қараганда анча “юмшоқ” характер касб этади ва муносабатларнинг кескинлашувидан қочишга имконият яратади.

2) Низони тез ва кам сарф ҳал қилиш зарурати мавжуд бўлса; Низоларни муқобил ҳал қилиш, одатда кам харажат талаб этади ва анча қисқа муддатларда ҳал қилиш имконини беради;

3) Томонлар ўзларининг тижорат сирларини ошкор бўлишини хоҳламаганларида;

4) Низо ҳуқуқ масалаларига қараганда техник масалаларга тегишли бўлса, хорижда бундай низоларнинг кўпчилиги тегишли мутахассисларнинг кўриб чиқилишига жўнатилади»<sup>5</sup>.

Низоларни муқобил ҳал қилишга расмий одил судлов фаолиятига параллел мавжуд бўлувчи тизими сифатида қараш мумкин. Суд тартибига ҳақиқатда зарурат бўлганда ёки бошқа муқобил усуллар муваффақиятсиз бўлиб чиққанда мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Низоларни муқобил ҳал қилиш одил судлов фаолиятини алмаштирмайди ва алмаштиролмайди ҳам, унга бўлган кириш ҳуқуқига тўсиқ бўлолмайди бўлиши ҳам мумкин эмас, у билан рақобатга киришолмайди.

Ҳозирги вақтда қонунчиликда низоларни судга қадар ҳал қилиш тушунчаси ва умумий тартиби қонунчиликда мустаҳкамланмаган, улар шартнома шартлари ёки қонуннинг даъво бериш учун мажбурий амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатлардагина белгилаб қўйилган. Айрим процессуалист олимларнинг нуқтаи назарига кўра, низоларни судга қадар ҳал этиш босқичининг мавжуд эмаслиги кўрсатилган тартибнинг низоларни вужудга келтирувчи аниқ мажбуриятнинг муайян даражада ўзига хослиги билан белгиланиши сабабли қонун чиқарувчининг мақсади ҳисобланади; низоларни ҳал қилиш мажбурий тартибининг мавжуд эмаслиги фуқаролик ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилишни тўсиқсиз амалга оширишга имкон беради<sup>6</sup>. Айрим олимлар эса, низоларни судга қадар ҳал этишнинг мажбурий тартибини киритиш зарур бўлган низоларнинг рўйхатини кенгайтириш лозим деб ҳисоблайдилар.

Низоларни судга қадар ҳал этиш бўйича фуқаролик процесси фанида бир қатор тушунча ва категориялар мавжуд.

<sup>5</sup> Ламкина Татьяна Вадимовна, руководитель юридической службы Торгово-промышленной палаты РМ. Председатель Третейского суда при Торгово-промышленной палате РМ. *Материал опубликован в газете "Малый бизнес Мордовии" №11(17), ноябрь 2007.*

<sup>6</sup> Интернет-конференция Председателя ВАС РФ В.Ф.Яковлева “Досудебное урегулирование споров и урегулирование споров на ранней стадии судопроизводства”, 2004 г.



Е.И.Носыреванинг фикрига кўра, рус ҳуқуқий амалиётида фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш ва тартибга солишнинг қуйидаги носудлов шакллари мавжуд: музокаралар, низоларни ҳал қилишнинг талабнома билдириш тартиби, воситачилик, ҳакамлик суди<sup>7</sup>.

И.Ю.Захарьящеванинг муаллифлик нуқтаи назари ҳам диққатга сазовордир: “судга қадар (носудлов) ярашув таомилларига қуйидагилар киради: музокаралар; низоларни ҳал қилишнинг талабнома билдириш тартиби; воситачилик; фуқаролик-ҳуқуқий битим сифатида келишув битими”.

Шундай қилиб, низоларни судга қадар ҳал қилиш кенг маънода, бу контрагентлар ўртасида келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг шундай усулики, у қуйидги белгилари билан характерланади: ушбу тартибга судга қадар мурожаат қилгунга қадар киришиш; ушбу тартибнинг мақсади келишувга эришиш, таомилнинг ошкор этилмаслиги, эришилган келишувни ихтиёрий бажариш.

---

<sup>7</sup> Носырева Е.И. Альтернативное разрешение гражданско-правовых споров в США: Дис. ... д-ра юрид. наук. С. 268.

